

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил  
13 апрель  
ШАНБА  
№ 31 (12563)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Хунармандчилик



## БЕКОБОДЛИК ЧЕВАРЛАР ЕТАКЧИСИ

Чеварлики онасидан ўрганган хунарман Дилдора Мамажонова бундан икки йил муқаддам шахсий бизнесини йўлга қўйиш мақсадида «Хунарман» уюшмасига аъзо бўлди. Маҳсулотларига талаб ортиб бориши фаолиятини янада кенгайтиришига имкон берди.

– Асосий эътиборни маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш билан бирга бу касбни ёшларга ўргатишга қаратмоқдаман, – дейди Дилдора Мамажонова. – Бунда “Хунарманд” уюшмаси қошидаги уста-шогирд мактаби кўл кел-

моқда. Ўтган икки йил ичида 10 шогирдим тадбиркорлар сафидан жой олди. Айни кунларда яна 8 шогирдим касб сирларини ўрганмоқда.

Д. Мамажонова бошчилигидаги чеварлар “Хунарманд” уюшмаси ва

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган “Базар-Арт” кўргазмасида маҳсулотларининг ўзига хос дизайни, юксак сифати ва харидорлиги учун ҳайъат аъзоларининг махсус сертификати билан тақдирланишди.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг “Ташаббус – 2013” кўрик-танлови шаҳар босқичида “Энг яхши хунарманд” номинациясида голиб деб топилган корхона раҳбари ви-

лоят босқичининг ҳам совриндори бўлди. Дилдора Мамажонова келажакда жаҳон бозорига маҳсулот чиқариши ҳам мўлжалламоқда. Яна бир нияти шаҳарда ишбилармон хотин-қизлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшишдир.

**Юлдахон МУХИДДИНОВА,**  
“Ташаббус” мухбири,  
СУРАТДА: хунарман Дилдора Мамажонова.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 2013 йил 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф якунлари бўйича 2013-2017

йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастурини, Сармолярни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим ҳамда икки мамлакат Президентлари томонидан 2012 йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Муносабат

## СУСТКАШЛИК БИЗГА ЯРАШМАЙДИ

Юртбошимизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги маърузаларини ҳаяжон билан тингладим. “Бу Ватан – ўзимизники, барчамизники. Унинг қамчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, гўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги кунни, ёруғ келажаги учун авваламбор ўзимиз масъул эканлигимизни унутмаслик керак” деган сўзлари қалбим-

га мойдек ёқиб, ўйга толдири. Туғилиб ўсган шаҳрим Тўйтепаннинг бугунги қиёфаси, беихтиёр кўз олдимдан ўтди. Давлатимиз раҳбари ҳақи эътироз билдирганларидек, иқтисодийни ривожлантириш, юртни ободонлаштириш ва қишлоқларга саноатни олиб кириш масалаларида Ўрта Чирчиқ туманида ҳам сусткашликка йўл қўйилмаётгани айни ҳақиқат.

Ёшим етишга борди. Зериккан пайтларимда шаҳрим кўчаларини сайр қилишни хуш кўраман. Набираларим ҳамроҳ бўлишади. Шаҳар маркази ва катта йўл ёқаларидаги тураржойлар, савдо дўконлари, тўйхона, ошхона ва бошқа кўркам бинолар олдида одамлар ҳаммаша гавжум.

Шаҳарни айланиб юриб, қанийди шулар қаторида кинотеатр, нововойхона ва истироҳат боғи бўлса, деб орзулайман. Олим Аширов ўйингоҳи олдидаги катта майдонда ёпиқ спорт иншооти қурилса, бокс, кураш, теннис, футбол ва бошқа спорт турлари ривожланиб, қанчадан-қанча ёшлар машгулотларга жалб этилган бўларди. Шаҳарда юздан ортиқ савдо дўконлари бор, бироқ бирорта китоб дўкони йўқ.

Айниқса, етаклаб юрган набирангини қаерга олиб киришни билмайсиз. Шаҳар марказидаги Нодирабегим номидаги

болалар боғида фақатгина миллиард столи бор. Боғнинг кўп қисмини кўшни уй ва савдо дўконлари эгалари ўзлаштириб олишган. Боғ ҳовлисига манзарали дарахт ва гуллар экиб, кўкартирилса, аттракционлар, музқаймоқ дўконлари ва айвончалар қурилса, бу жойлар болаларнинг энг сеvimли маскани бўлиб қолармиди?

Ёзда чанг-тўзон, қишда эса қор ва ёмғирда шаҳар марказидаги очик жойда кўл аравачаларида сотилаётган наонлари кўриб, кишининг дили хира бўлади. Бунинг ўрнига янги, замонавий қиёфадаги, тартибли наон расатси ташкил этилса, аҳоли учун ҳар жиҳатдан қўлайлик яратиларди.

Республикаимиздаги кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштиришлар ҳақида эшитиб, биз қариялар кўп вилоят ва шаҳарларни зиёрат қилишга бораямиз. Бухоро, Самарқанд шунингдек, Водий ҳамда бошқа воҳалар-

даги шаҳар ва қишлоқларнинг ободлиги, замонавий маданий ва маъиш бинолар, спорт иншоотлари ва бозорларини кўриб, ҳавас қилиб қайтамиз. Азим Тошкентнинг шундоққина биқинидаги туманимиз маркази – Тўйтепа шаҳри ва унинг кўчалари ҳам ободонлашиб, нафақат ошхона ва савдо дўконлари, балки маданий-маъиший ҳамда спорт иншоотлари қурилиб, туман аҳолиси ва ёш авлодга хизмат қилса, нур устига нур бўлур эди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида таъкидлаганларидек, вилоятимиз, шунингдек туманимиз аҳли ҳеч қачон орда қолишни ўзига эп кўрмаган ва эл-юрт фаровонлиги йўлида нималарга қодирлигини кўрсатиши учун етарли куч-қудратга эга. Фақат ушбу салоҳиятни ҳар кунни, ҳар дақиқа тўғри ишга сола билши зарур.

**Жўрабой МАМАДАЛИЕВ,**  
мехнат фахрийси.

Туризм

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамкорли-

гида Жануби-Шарқий Осиёнинг Таиланд, Сингапур ва Малайзия сингари мамлакатларида “Road Show” тақдимот тадбирларини ташкил этди.

## ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ «ROAD SHOW» ТАҚДИМОТЛАРИ

“Road Show” тақдимоти доирасида юртимизнинг сайёҳлик брендини жаҳон бозорига оммалаштириш, туризм соҳасидаги сермаҳсул ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида дунёнинг турли давлатларида кўча муҳолима ва тақдимотлар уюштирилди.

“Road Show”нинг жорий йилдаги тадбирлари Таиланддан бошланди. Яқинда ушбу мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги бош консулининг кўмагида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди.

“Жаҳон” ААнинг хабарига кўра, “Анантра Бангкок Саторн” меҳмонхонасида ўтказилган мазкур тадбир қатнашчилари эътиборига юртимизнинг янги йўли ва иқлимий хусусиятлари, унинг бетакрор тарихий ва маданий мероси ҳамда ўзбек халқининг бетакрор

амалий санъатига оид маълумотлар ҳавола этилди. Шунингдек, қадимги меъморчилик намуналари, Ўзбекистон табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бевоқифа ўрганиш имкониятини яратувчи лойиҳалар хусусидаги ахборотлар ҳам Таиланд вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Сингапурдаги машҳур “Swissotel Stamford” бизнес марказида ташкил этилган тадбирда Сингапурнинг олтидан ортиқ сайёҳлик компаниялари вакиллари ҳамда таъкили журналистлар иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Жорий йилнинг кузида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан “Тошкент – Сингапур – Тошкент” йўналиши бўйлаб мунтазам ҳаво қатновларининг йўлга

қўйилиши ҳақидаги хабар иштирокчиларни янада мамнун этди.

Тадбирда Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси раиси О.Жалилов меҳмонларни уюшма томонидан олиб борилаётган ишлар билан таништириб, мамлакатимизда сайёҳликнинг тиббий, экологик, маданий-маърифий, альпинизм сингари янги турлари ҳам тобора ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Лойиҳа доирасида ўзбекистонлик вакиллар Таиланд, Сингапур ва Малайзия сайёҳлик компаниялари билан қатор музокаралар ўтказди. Музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма маркетинг тадбирлари ва сайёҳлик тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги келишувларга эришилди.

“Туркистон-пресс”.

Концепция амалда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқуланган қонун ва қарорлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят ҳокими Юқори Чирчиқ туманида семинар-тренинг ташкил этди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суз-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий ишловчи сенатор Э.Рўзиметов, Сенат аъзоси С.Баратова иштирок этди.



## ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Шунингдек, семинар-тренингда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раислари, Паркент, Юқори Чирчиқ,

Қибрай, Бўстонлиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри маҳаллий кенгашилар депутатлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамоат фонди, халқ таълими бўлиmlари ҳамда тиббиёт бирлашмаларининг мутасаддилари иштирок этди. Семинарда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилган ўзгаришларни мазмун-моҳияти ҳақида атрофича сўз юритилди.

– “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга киритилган ўзгаришлар амалдаги қонундан кескин фарқ қилади, – дейди Э-

кин Рўзиметов. – Ушбу қонундаги янги нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, жумладан, уларнинг аниқ йўналтирилган негизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқаролар йиғинлари ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айнисқа, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришидаги ваколат ва вазифаларни янада кенгайтиришга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдagi қонунга мувофиқ фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудида тадбиркорлик, хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

**Даврон АХМАД**  
олган сурат.



Огоҳлик

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти бўлимида одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши курашиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган йўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирда одам савдосининг олдини олиш, ушбу иллат жабрдийдаларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар ўртасида турли салбий иллатларни баргаратиштириш, гиёҳвандликка қарши профилактика ишларини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида",

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлари, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури муҳим дас-



туриламал бўлаётир. Семинарда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати масъул ходимларининг

кўрилган масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Ушбу йўналишлардаги ишлар самардорлигини оширишга қаратилган вазифалар бўйича фикр алмашилди.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

КИЧИК БИР ВАТАНИ ОБОД ЭТИБ...

Эзгу қадриятлар бешиги – маҳаллага "Ватан ичра кичик бир Ватан" дея таъриф берилгани бежиз эмас. Чирчиқ шаҳридаги Ҳайдар Мақсу-

дов номи маҳаллада 3536 аҳоли яшайди. 1331 оила, 724 хонадон кўчалар ободлиги учун тинимсиз ҳаракатда.

Орасталик, саранжом-саришталаник аввало ўз хонадонидан бошлаган аҳоли маҳалла гуллаб-яшнашида ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигидан мамнун. Улар нафақат тозалик, озодалик, кўкаламзорлаштириш ишларида, балки, маҳалла раиси Маҳмуд Мирзаев бошчилигида уюштирилаётган барча маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишди.



Суратда: маҳалла раиси Маҳмуд Мирзаев (чапдан), профилактика инспектори Мамаражаб Шабанов, маслаҳатчи Гули Тожибоева, котоба Малика Саидова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Сайёра ЭШМАТОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога такордан Заңгиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади! Бошлангич нархи – босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилган:

Бошлангич нархи – босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилган: 1. Миробод тумани СИБ томонидан, 2010 йил 2 июндаги 9579/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 В 638 ГА бўлган "Эника 1" русумли автотранспорт воситаси.

"КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан 23.07.2012 й.даги 1-185Ж/12-сонли, 1-185Ж/12-сонли ва 1-185И/12-сонли ижро варақаларига асосан, бошлангич нархи – 69 900 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-даҳа, 41-А ўйда жойлашган, бир қаватли, умумий ер майдони 535 кв.м. бўлган (блок "А" ва блок "Г" мавжуд, блок "Б" ва блок "В" ҳужжатсиз қурилган бўлиб, ҳозирги кунда бўзиб ташланган) ошхона биноси қўйилмоқда.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Бошлангич баҳоси – 3 049 780 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сакланамоқда.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Заңгиота тумани СИБ томонидан 10.12.2012 й. № 11-1231/14622-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Ўзбекистон кўчаси, 24-уй, Бошлангич баҳоси – 130 000 000 сўм.

ИЖТМОИЙ РЕКЛАМА

2013 йилда КИШИЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Келиajak учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудидида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 22 мартдаги 27-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги: Тошкент шаҳридаги «SPRINT TIM TRANSPORT» МЧЖга тегишли: Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "ACTARIS-PLUS" хусусий корхонасининг ташиқлиқ-ҳуқуқий шакли "ACTARIS-PLUS" МЧЖга айлантирилишини маълум қилади.

